



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING

BUYRUG‘I

2021 yil “15”02.

№ 28

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 январдаги “Олис худудлардаги бюджет ташкилотларига малакали мутахассисларни жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4940-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 январдаги “Олис худудлардаги бюджет ташкилотларига малакали мутахассисларни жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4940-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда олис ва чекка худудлардаги тиббиёт муассасаларида бўш иш ўринларини тўлдириш мақсадида **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 январдаги “Олис худудлардаги бюджет ташкилотларига малакали мутахассисларни жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4940-сонли қарори ижро ва раҳбарлик учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари раҳбарлари:

олис ва чекка худудларда жойлашган бюджет тиббиёт ташкилотларига бошқа худудлардан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун келган олий маълумотли мутахассис ва (ёки) тиббиёт ходимига бошланғич ёрдам пулини ва ҳар ойлик пул компенсациясини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 январдаги ПҚ-4940-сон қарорининг 1-илоvasидаги схема асосида амалга оширсин;

бошланғич ёрдам пули ва ҳар ойлик пул компенсацияси тегишли бюджет ташкилотининг ҳудудий молия органига берган сўровига асосан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирсин;

бошланғич ёрдам пули ва ҳар ойлик пул компенсацияси учун талаб қилинадиган маблағларни тегишли бюджет ташкилотининг харажатлар сметасида назарда тутсин;

олий маълумотли мутахассис ва (ёки) тиббиёт ходимининг ишга қабул қилиниши жорий молия йилида рўй берган ҳолатда, бюджет ташкилотининг харажатлар сметасига белгиланган тартибда ўзгартириш киритсин.

3. Комплекси, ички аудит ва молиявий хизмати (Б.Хажиханов) олис ва чекка худудларда жойлашган бюджет тиббиёт ташкилотларига бошқа худудлардан

меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун келган олий маълумотли мутахассис ва (ёки) тиббиёт ходимига бошланғич ёрдам пули тўлаш учун ажратилган маблағлар мақсадли ишлатилишини доимий назоратга олсин.


4. Жамоатчилик билан алоқалар бўлими (Ф.Санаев) белгиланган тартибда мазкур қарорнинг мазмун моҳияти ва аҳамиятини ҳуқуқий ахборот сифатида ижрочилар ҳамда тиббиёт ходимлар ҳамда тизимдаги ташкилотларга етказсин ва республика оммавий ахборот воситаларида ёритиш ишларини ташкил қилсин.

5. Кадрлар бошқармаси (М.Саламов), “АКТни ривожлантириш маркази” (Б.Хасанов), Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари раҳбарлари олис ва чекка ҳудудларда жойлашган бюджет ташкилотлари ва (ёки) тиббиёт муассасаларида олий маълумотли мутахассис ва (ёки) тиббиёт ходимига бўлган эҳтиёж бўйича бўш иш ўринлари юзасидан маълумотларни ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 5-кунига қадар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштириб борсин.

6. Фан ва таълим бошқармаси (У.Исмаилов), Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари раҳбарлари жойларда олий таълим муассасалари битирувчилари билан учрашувлар ташкил этиб, уларни чекка ҳудудларда жойлашган, олий маълумотли кадрларга эҳтиёж мавжуд бўлган бюджет ташкилотларига ишга жалб этиш, шунингдек, ёш мутахассисларга фаолият юритиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш чораларини кўрсин.

7. Мазкур буйруқнинг ижроси юзасидан назорат вазирнинг биринчи ўринбосари А.Иноятов зиммасига юклансин.

Вазир



А.Хаджибаев